



Ishonch

2016-yil
8-oktabr,
shanba

№ 120
(3781)

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 7 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон раҳбари Россия Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга сиҳат-саломатлик ва давлат раҳбари сифатидаги серкирра фаолиятига муваффақиятлар, Россия халқига тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилади. Ўзбекистонда Владимир Путиннинг мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қўшаётган шахсий ҳиссаси юксак қадрланади.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича турли даражада Ўзбекистон — Россия мулоқотлари фаоллашаётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўзаро ҳамкорликка доир бошқа қатор масалалар ва айрим халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

2016 йил 16 сентябр

Бишкек шаҳри

Биз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуганиевич Каримовнинг вафоти муносабати билан мустақил Ўзбекистон тарихидаги мураккаб даврда дўст Ўзбекистон халқини қатъий қўллаб-қувватлашимизни билдираемиз.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, халқаро нуфузини ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилган кенг қўламли ислохотлар буюк давлат арбоби Ислоҳ Каримов номи билан боғлиқдир. У ўзининг бутун ҳаётини халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишладди.

Ислоҳ Абдуганиевич Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг асосчиларидан бўлиб, Ҳамдўстлик давлатларининг халқлари ўртасида иқтисодий алоқалар, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини мус-

таҳкамлаш йўлида жуда кўплаб ишларни амалга оширди. Ўзбекистон раҳбари сифатида Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, минтақани хавфсиз ва барқарор ривожлантирган ҳудудга айлантиришга бениҳоя катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистон бундан буён ҳам изчил ривожланиши ва Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари билан дўстлик, яқин қўшничилик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ишларини қатъий давом эттиришига ишонч билдирган ҳолда, Ўзбекистон халқининг тинчлик, барқарорлик ва ҳамжихатликни таъминлаш борасидаги ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг тарихий мероси Ҳамдўстлик халқларининг аҳил оиласида дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доимо хизмат қилишига ишонамиз.

Сайлов — 2016

Жорий йилнинг 7 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

САЙЛОВЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сайловга тайёргарлик қўришга доир масалалар кўриб чиқилди. Видеоконференцадо шаклида ўтган тадбирда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари тақлифлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловга тайёргарлик қўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Дастур истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини янада ошириши кўзда тутилди.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи мартаба овоз берувчи фуқаролар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари; шунингдек, хориждаги ҳамюртларимизни қамраб олади.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда «Менинг овозим — Ватаним келажиги», «Мен шахсан ўзим овоз берман», «Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз», «Сайловчилар рўйхатида бормисиз?», «Ягона оилда» каби фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва электрал фаоллигини янада оширишга қаратилган акцияларни ўтказиш режалаштирилган.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклларида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва курсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилади.

Мажлисда 7-Самарқанд, 9-Сурхондарё, 11-Фарғона округ сайлов комиссиялари раисларининг ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги ахбороти эшитилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкалари тузилгани қайд этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва хорижда 9 минг 376 сайлов участкаси тузилди. Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишлари бошланди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Муносабат

Хусусий бизнес — янги иш ўринлари демакдир

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон истиқлол йилларида соҳада олиб борилётган изчил ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Фармон орқали юртимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестиция иштирокида ташкил қилинган ишлаб чиқариш корхоналарига қатор янги имтиёз ва имкониятлар яратилди. Шунингдек, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, уни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Мазкур Фармон тадбиркорлар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди, — дейди Олтиариқ туманилик тадбиркор Нуриддин Алиқулов. — Аввало, фуқароларимиз янги ҳаётга ўйлаш, фикрлашга ўрганди. Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳаракат қилиш ҳадисини олди. Яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилди. Бугун кимдир оилавий бизнес билан шугулланса, бошқа биров аҳолига маъийи хизмат кўрсатаяпти. Яна кимдир эса цех очиб, маҳалладошларини ишли қилаяпти. Шу маънода мазкур Фармон аҳолининг барча қатламлари манфаатлари учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбиркорлик билан 90-йиллардан буён оилавий шугулланиб келамиз. Битта ижарадаги «Қамаз» юк машинаси билан иш бошлаганмиз. Имкониятлардан унумли фойдаланиш наъжасида, ҳозирда автокорхонамизда 10 га яқин замонавий юк машинаси ишлаб турибди. 30 дан ортқ маҳалладошимиз ишли бўлган. Юк машиналаримизда юртимиз боғларида етиштирилган сархил мевалар, полиз экинларини Россия, Шарқий Европа мамлакатлари бозорларига етказиб берилаётим.

▲ (3).



Қизиқарли тақдимотлар, фойдали келишувлар

«Ипак йўлида туризм» XXII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси якунланди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмағида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, Япония, Чили, Франция, Россия, Литва, Хиндис-

тон, Бирлашган Араб Амирликлари, Португалия, Таиланд, Туркия, Туркменистон каби давлатлардан юздан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

▲ (4).

7 октябр — Бутунжаҳон Муносиб меҳнат куни

Меҳнат соҳасида миллий мулоқот

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Бюроси билан ҳамкорликда республикадаги энг йирик корхоналардан бири бўлган «Ўзметкомбинат» АЖда корхона ходимлари ва касба уюшма фаоллари учун 7 октябр — Бутунжаҳон Муносиб меҳнат кунига бағишланган семинар ташкил этилди.

Унда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Металлургия ва машинасозлик sanoati тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари иштирокида «Акциядорлик жамиятида меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари» ҳамда «Металлургия ва машинасозлик тармоқларида меҳнат муҳофазасининг долзарб масалалари» муҳокама этилди. Шунингдек, ўзаро таърибга алмашув мақсадида фаолларга нефть-газ тармоғи тизимидagi ҳўжалик бирлашмаларида мослашувчан жамоа шартномаларини жорий этиш борасида олиб борилётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Бюроси бош мутахассиси С.Гловацкас иштирокчиларни ХМТнинг «Меҳнат соҳаси истиқболларига тегишли юз йиллик ташаббуси» билан таништирди.

Тадбирда, шунингдек, корхона бошланғич касба уюшма ташкилоти раиси И.Қурбоновнинг ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида касба уюшма кўмитаси томонидан олиб борилётган ишлар тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан 7 октябр — Бутунжаҳон Муносиб меҳнат кунига бағишланган «Меҳнат соҳасининг истиқболдаги масалалари бўйича миллий мулоқот» мавзусидаги конференция ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, илмий муассасалар, касба уюшмалари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХТТ, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Конференция «Меҳнат ва жамият», «Муносиб иш жойлари барча учун», «Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Меҳнат соҳасини бошқариш» каби йўналишлар бўйича мунозараларни ўз ичига олди.

Иштирокчиларнинг чиқишларида таъкидланганидек, Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини, фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича дадил қадамлар қўйилиб, тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда ХМТ билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда.

Бутунжаҳон Муносиб меҳнат кунига бағишланган конференцияда кўплаб йўналишдаги ишлар Ўзбекистонда давлат, касба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган самарали ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқот натижаси эканлиги ҳамда фуқароларнинг муносиб меҳнатга бўлган ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш учун хизмат қилаётгани алоҳида эътироф этилди.

(Ушбу конференция тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишингиз мумкин.)

Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишланган конференциялар худди шу кун и республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилди.

ЎЗ мухбиримиз

▲ (2).

Меҳнат соҳасида миллий мулоқот

№(1).

Жамоатчилик назорати доирасида меҳнаткашларга иш ҳақларининг вақтида берилиши, бандлик ва янги иш ўринларининг ҳаққонийлиги, ижтимоий ҳимоя, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган навқирон кадрлар кўнимсизлигини ҳамда норасмий бандликни чеклаш, ёшлар ва аёлларнинг қонунларда белгиланган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланиши, мажбурий ва болалар меҳнатининг барча кўринишларига барҳам бериш сингари йўналишларда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Давра суҳбатида кун тартибидеги долзарб мавзулар муҳокамаси, шунингдек, касба уюшмалари билан давлат, нодавлат-нотижорат ва жамоатчилик ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

ЖИЗЗАҲда мазкур санага бағишлаб ўтказилган давра суҳбатини вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратулло Пардаев олиб борди.

Қайд этиш жоизки, касба уюшмаларига меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа музокараларини юритиш борасидаги ўз вазифаларини бажариш учун кенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилган.

Мамлакатимизда амал қилаётган Бош келишув асосида вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазасини ташкил этиш борасида минтақавий ҳамда 13 та тармоқ келишув тўзилган.

Ходимлар ҳуқуқини ҳимоялаш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Мурожаатларни ўрганиш юзасидан аниқланган қонунбузилишлар бўйича 25 та тақдирнома, судларга 14 та даъво аризаси қиритилиб, 33 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар аҳолини иш билан таъминлаш, иш бериувчиларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш, ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазаси каби долзарб масалаларга эътибор қаратишди.

САМАРҚАНД шаҳридаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида ҳам «Меҳнат соҳаси истиқболлари тўғрисида миллий мулоқот» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган касба уюшма фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари мамлакатимизда меҳнат муносабатларининг қонуний доирасида шаклланиши, у тубдан такомиллаштирилиб, меҳнаткашларга қўшимча имтиёзлар кафолатланганини эътироф этишди. Таъкидланганидек, республикада меҳнат муносабатлари халқаро меъёрга ва талабларга тўла мос келмоқда. Айни пайтда Халқаро меҳнат ташкилоти билан имзоланган 2014—2016 йилларга мўлжалланган муносиб меҳнат дастурлари амалиётга татбиқ этилаётди.

Тадбир доирасида Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси, ҳуқуқий муҳофазаси қилиш идоралари вакиллари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

— Мамлакатимизда меҳнат соҳасида ижтимоий адолат устуворлигига эришиш йўлидаги барча талаблар ўз ижросини топоқда, — дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ойбек Исмоилов. — Мухими, диёримизда яшаётган ҳар бир фуқарога эркин касб танлаш имконияти яратиб берилган.

Давра суҳбатида меҳнатни ташкил этишда давлат ва жамоат назоратини кучайтириш, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирлар кўламини янада кенгайтиришга эътибор қаратилди.

НАМАНГАН вилоятида уюштирилган давра суҳбати фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

— Ҳар бир ходим фаолияти давомида ўз меҳнатининг муҳофазаланиши, хавфсизлиги таъминланишини истайди, — дейди бирлашма бўлими мудири Мирзанозир Қорабоев. — Касба уюшмаларининг устувор мақсади ҳам шу — ходимга муносиб меҳнат шaroитларини таъминлаш. Бу борадаги фаолиятимизни янада изчиллаштиришда ҳуқуқ ва ваколатларимизнинг қонуний асослари такомиллаштирилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонун касба уюшмалари ваколатларини янада кенгайтирди. Шунингдек, жамоа шартномалари ижроси муносиб меҳнат омилларини вужудга келтиришда катта ёрдам бўлмоқда.

Жамоа шартномаларига ёшлар, аёллар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар, жумладан, ХМТнинг 103-Конвенциясига биноан оналикни ҳимоя қилиш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар олиб борилишига оид бандлар киритилди.

Касба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири, бу жойларда жамоатчилик назоратини олиб боришдир. Мазкур вазифани бажаришда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маҳаллий ҳокимият органлари, Меҳнат бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа қатор ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бераётти.

Мухими, ҳар бир жараён натижаси ишловчи меҳнаткашлар учун муносиб шaroит яратиш билан яқунланмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Абдураим Тўраев касба уюшмаларининг Муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишдаги фаолияти ҳақида сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Халқаро меҳнат ташкилотининг Муносиб меҳнат концепциясига биноан мамлакатимизда барқарор бандликни таъминлаш, ҳар бир меҳнаткаш билан меҳнат шартномаси тузилишига эришиш, ходимга унинг ўзи ва oilаси учун муносиб турмуш шaroитларини яратишга етарли бўлган миқдорда иш ҳақи белгилаш, иш жойларида ходимга қулай ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Шундан сўнг Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи муовини Мансур Назаров иш бериувчиларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш омиллари ҳақида маъруза қилди. Вилоят меҳнат бошқармаси бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Илҳом Норкуловнинг «Янги иш ўринларини ташкил этиш, коллеж бериувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги маърузаси ҳам қатнашчилар эътиборида бўлди.

Худудларда ўтган мазкур давра суҳбатларида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиб, тақлиф ва истакларини билдиришди.

Ўз мухбирларимиз

Бу муқаддас Ватанда



Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Миришкор туман кенгаши томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар миннатдор

— Дастлаб туман ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи «Ягона дарча» марказидан зарур маълумотлар олинди, қишлоқларга, маҳаллаларга чиқиб, касб-ҳунар коллежларига бориб, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган коллеж бериувчиларидан бир нечтаси билан учрашиб, қизиқликларини ўргандик. Уларга касба уюшма ташкилотлари томонидан коллеж бериувчилари бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринлари ташкил этиш тартиби, ажратилган маблағнинг бир йил давомида устама фоизсиз қайтарилиши тўғрисида тушунчалар берилди.

Олимжон Тўраев, Шаҳноза Тўраева каби ёшларга иш бошлашлари учун касба уюшма маблағлари ажратилди ҳамда маблағларнинг сундириш жадваллари тузилди. Эндиликда улар миллий ширинликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланишга эътибор қаратди.

— Касба уюшмаларининг ҳеч қандай фоизсиз биз каби ёшларга молиявий кўмак бериб, тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйишда ўз ҳиссасини қўшаётганлиги биз учун кенг имкониятлар эшигини очди, — дейди ёш тадбиркор Дурдона Чўлиева. — Қолаверса, касба уюшмаси аъзолиги афзалликларни билан танишиб, бизга кўплаб имтиёзлар борлигини билиб олдик. Бу эътибор ва кўмакни меҳнатимиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз.

Ойбек ҲАМРОЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Миришкор туман кенгаши раиси

Сўз — миришкорларга

Довруғи дунёга ёйилган

Аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланишини ташкил этишга ҳисса қўшиш мақсадида ўтказилган «Энг ибратли хонадон», «Энг ибратли маҳалла» ва «Энг фаол тарғиботчи» танловлари кўплаб фидойи инсонларни кашф этди.

Танловнинг «Энг фаол тарғиботчи» йўналишида голиб чиққан Нуриддин бобо Раҳмонов шундайлар сирасидан. Отахон ўз ҳаёт ва меҳнат тажрибаси ҳақида бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Китоб туманидаги «Богбон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда яшайман. Ешим 78 да. Кўп йиллар ипакчилик соҳасида меҳнат қилдим, янги ту навларни яратдим. 20 йилдан зиёд вақт мобайнида Шаҳрисабз туманида ишладим...

1984 йилда ўзим тугилган қишлоққа қайтган, бола-чақаларим билан Китоб ширкат хўжалигидаги 4,5 гектар узумзорни ижарага олиб, яхши ниятлар билан иш бошладик. Шу йили узум тайёрлаш режасини 150 фоизга бажардик. Сўнг қолоқ бригадалардан бирининг оёққа туриб олишига кўмаклашдим. Ер билан тиллашдим. Дарахтлар, тоқлар дардида қулоқ солдим. Қарангки, бир кунда 100 тонна узум топширдик. Бугўйдан гектарига 61 центнер, ар-

падан 45 центнер, помидордан 540 центнер, картошқадан 200 центнер, хашаки лавлагидан 500 центнердан ҳосил олганмиз.

2000 йили пенсияга чиқдим. Уйда ўтиришни ўзимга эп кўрмай, Дашнобод анори кўчатлари етиштирдим. 2001 йилда давлатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига атаб «Мустақиллик боғини» яратдик. Яна шуну айтишим лозимки, 1,5 гектарлик анорзор ҳосили бутун республикамиз бўйлаб тарқалади. Боғ қатор ораларидан ҳам унумли фойдаланамиз. Сайлама анор ва тут кўчатлари етиштирамиз...

Касба уюшмалари томонидан томорқалардан унумли фойдаланиш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари айни муддао бўлмоқда. Ҳар бир хонадонда тўқинлик ҳукуми суриши, дастурхонлари мева-чевага тўла бўлишини истаيمان. Биламанки, ерга меҳр берсак, у ҳам биздан саховатини аямайди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

Танти ҳамда

экиладиган майдонлар қисқартирилди. Навларни танлашда унинг ҳудуд тупроқ иқлимига мослиги, унумдор ва эртапишар хусусиятларга эгаллиги алоҳида инобатга олинди. Асосийси, авваллари рағбат нимагини билмай ишлаган деҳқон ҳозир меҳнатидан тўла манфаатдорлик туймоқда, юқори маҳсулдорликка эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяётти.

Соҳада амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида пахта тозалаш заводларининг мавжуд қувватлари тўлиқ модернизация қилинган бўлса, кейинги жараёнда иштирок этувчи тўқимачилик ва тикувчиликка ихтисослашган, замон талаблари даражасида жиҳозланган корхоналар сонинча кўпайди. Вилоят мисолида оладиган бўлса, Китоб туманидаги «Китоб ип йигирув» АЖ, Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой текстил», Яқкабоғ туманидаги «Универсал тараққиёт текстил» МЧЖ, Касби туманидаги «Биг регион» каби корхоналар калава-ип ишлаб чиқаришда етакчи бўлса, Қарши шаҳридаги «Cotton Road» қўшма корхонасида толани қайта ишлашдан торттиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён тўлиқ қамраб олинган. «Қарши ёғ-экстракция», «Косон ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятлари эса аҳолига сифатли пахта ёғи етказиб бераётти.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЎСИШ

2016 йилнинг биринчи ярмида вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,5, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 118,9, ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 128,1, капитал қўйилмалари қуриш ҳажми 103,6, пудрат ишлари 112,8

фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 106,8, жами хизматлар ҳажми 115,5 ва чакана савдо айланмаси 114,5 фоизга ўсишига эришилди.

44,1 млрд. сўмлик инвестиция ҳисобига 246 та лойиҳа амалга оширилди. Яъни 164 та янги (30,4 млрд. сўм) саноат лойиҳаси ишга туширилди ва 82 та (13,7 млрд. сўм) саноат корхонасида модернизацция ишлари бажарилди.

Ташкил этилган корхоналарнинг 79 тасида тайёр озиқ-овқат ва 167 тасида эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти.

БУНЁДҚОРЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Вилоятнинг қайси туманига борманг, улкан бунёдқорлик гувоҳига айланасиз. Масалан, ўтган йили Чироқчида истироҳат боғи фойдаланишга топширилган эди. Сўнг эса эски клуб биноси реконструкция қилиниб, Маданият ва дам олиш маркази ишга туширилди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида туман марказида янги «Деҳқон бозори» фойдаланишга топширилди.

Сайёҳлар эътиборига тушган Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида сўнгги йилларда мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилдики, бу ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг сира иложи йўқ.

Маълумки, шаҳри Кешдаги қадимий обидалар, миллий-меморий ёдгорликларнинг 18 таси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги «Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир

Фаолиятга назар

Ижтимоий

Касба уюшмалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг муваффақиятини таъминлашда фаол иштирок этаётган нуфузли жамоат бирлашмаси эканига шубҳа йўқ. Бунинг исботини Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бирлашма кенгаши томонидан Соғлом она ва бола йилда амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Жамоа келишув ва шартномалари қабул қилиш, уларнинг бажарилишини назорат этиш бирлашма ҳамда тармоқ касба уюшмаларининг доимий диққат марказида. Сарҳисобларга кўра, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида биринчи яримйилликда жамоа шартнома ва келишувлари орқали 809 та корхонада 1852 нафар эхтиёжманда моддий ёрдам кўрсатилган.

44 та корхона томонидан 525 та оилага узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар олиш, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар берилди. 193 та корхонада кексаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, коммунал хизмат тўловларини тўла бериш, уй-жойларини таъмирлаш тадбирлари учун 565 нафар меҳнат фахрийсига 7,4 млн. сўм сарфланди. 278 нафар пенсия ёшига етган ходимга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиб, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Меҳнат фахрийларини жамоа шартномалари орқали санаторийларда белулдам олдириш тадбирларига 19,9 млн. сўм сарфланди, 21 нафар нуруний соғломлаштирилди.

Ез мавсумида вилоятдаги 19 та стационар оромгоҳда

26440 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Оролбўйи минтақасидан 500 нафар ўқувчи Шаҳрисабздаги «Лочин» оромгоҳида мириқиб хордиқ чикарди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг омаллаштириш мақсадида ташкил этилган «Соғлом оила» мусобақаларининг биринчи ва иккинчи босқичида 15808 та оила қатнашгани алоҳида эътирофга лойиқ. Самарқанд шаҳрида ўтган бахсларнинг республика босқичида вилоят терма жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

«Касба уюшмалари — болаларга», «Касба уюшмалари — харбийларга», «Касба уюшмалари — хотин-қизларга», «Касба уюшмалари — фахрийларга» акциялари доирасида кўплаб инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

2016 йилнинг биринчи ярмида касба уюшма аъзоларидан 95 та ёзма, 97 та оғзаки мурожаат қабул қилинди. Шунингдек, бирлашманинг юридик бўлимида ўрнатилган «Ишонч телефони» орқали келган 168 та мурожаат амалдаги қонун талаблари асосида ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Мурожаатларни ўрганиб чиқиш натижаларига кўра, 126 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланиб, саксон икки миллион уч ўз олтиши

С.АКМАЛОВ ёзиб олди

азиздир инсон!

ОМИЛКОР ЭЛ

комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида дастур ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилгани бу кўхна заминнинг янгидан чирой очишида муҳим омил бўлаётди. Жумладан, Амир Темур майдони ва унинг ён-атрофидаги ҳудуд кенгайтирилди. Оқсарой мажмуаси билан Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Чорсу бозори, Кўкжумба масжиди каби тарихий обидаларни боғлаб турадиган янги хиёбон барпо этилаётди. Бир пайтлар одамни диққинафас қиладиган бетон майдонлар ўрнида гулзор билан ўралган яшил ҳудуд яратилди. Хиёбонга турли манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Абдушукур мадрасаси, Кунчиқар, Молик Аштар масжидлари, Коба карвонсаройи ва бошқа тарихий иншоотларни қайта таъмирлаб, асл ҳолатини тиклаш кўзда тутилган. Айни пайтда улардан 11 тасида қайта тиклаш ишлари олиб борилапти...

Қарши шаҳрида яқин уч-тўрт ой ичида бўлмаган киши излаган манзилни топишга қийналиши тайин. Янги турар-жойлар ҳамда савдо марказларининг қурилиши, Қашқадарё қирғоғида, аниқроғи, Амир Темур кўприги атрофида барпо этилган аҳоли дам олиш хиёбони, Ўзбекистон кўчасида қад кўтарган «Бадиий гимнастика саройи», янги-янги ўқув бинолари, Қарши давлат университети, кенг ва обод кўчалар... Барча-барчаси маҳаллий аҳоли ва меҳмонларнинг ҳайратига сабаб бўлмоқда.

ЯШАСИН ТАДБИРКОРЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги «Бир дарча

тамоили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Қарши шаҳри ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизидан «Бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Айни вақтда «Ягона дарча» марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳам сезиларли ўсишлар кўзга ташланаётди. Жумладан, ишга туширилиши белгиланган 372 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ўрнига 703 та субъект ташкил этилди. Шундан 369 таси чакана савдо ва умумий оватланиш, 40 таси молия, соғлиқни сақлаш, 20 таси қурилиш, 146 таси маиший хизмат ва 128 таси бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларидир. Уларнинг 460 таси қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилди.

Вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича ишлар тизимли равишда ташкил этиб борилмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи давомида 28 та туристик корхонанинг хизмат кўрсатиш ҳажми 3,8 млрд. сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116 фоизга ошди. Чет эллик сайёҳларга кўрсатилган туристик хизматлар экспортдан тушган маблағ 228,0 минг АҚШ долларига етди.

Шунингдек, туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар (туроператорлар) сонини янада кўпайтириш бўйича биринчи ярим-йиллик давомида вилоят бўйича 15 та ту-

роператор давлат рўйхатидан ўтказилди. Янги ташкил этилган мазкур корхоналарнинг 24 нафар иштирокчиси учун «Ўзбекитуризм» МК билан ҳамкорликда ўқув курси ташкил этилди ва уларга махсус сертификатлар топширилди. Ҳозирги кунга қадар 7 та туристик хизмат кўрсатувчи корхона томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар лицензия олиш учун Республика комиссиясига тақдим этилди.

Экотуризм йўналиши бўйича ҳам вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳозир ушбу ҳудудларга келувчи хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони тобора ортмоқда.

Бандлик Дастурига мувофиқ 41927 та янги иш ўрни яратилди. Белгиланган режа 101,3 фоизга бажарилди.

Иш ўринларининг деярли 87,5 фоизи қишлоқ жойларда барпо этилди. Яратилган иш ўринларининг 28,2 фоизи (11 808 та) ёшлар ва 32,1 фоизи (13 447 та)га хотин-қизлар бандлигига хизмат қилди.

Жорий йилда вилоятдаги 136 та касб-хунар коллежини 47 минг 655 нафар йигит-қиз тугатди. Уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида 17432 та корхона-ташкilotнинг аниқ иш ўринлари учун тўрт томонлама шартномалар тузилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 303 нафар ёшга 6,8 млрд. сўмлик кредит ажратилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Хуллас, ўзгаришлар қамрови кенг. Воҳа ақли янги марраларни эгаллаш йўлида кўлни-кўлга бериб сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Ташланажак мардондор қадамлар тараққиётнинг янада юксак доволарига олиб чиқишига ишончимиз қомил.

Ўз муҳбиримиз

Орамиздаги одамлар

Чироқчи туманидаги «Чироқчи» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган сайловда иштирок этган 105 нафар сайловчидан 101 нафари Момосулув Бердикуловани кўллаб-қувватлаб овоз берди.

Раис опа

Таъкидлаш жоизки, бу опанинг раисликка бешинчи бор сайланиши. Яъни, у 2006 йилдан «Чироқчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида ишлаб келмоқда. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати. Тўрт нафар фарзанди бор. Бари ўқимши, яхши касб ва хунарларни эгаллаган, ҳаётда ўз ўрнини топган.

5000 нафарга яқин аҳолиси бор мазкур маҳаллада 745 та оила истиқомат қилади.

— Маҳаллаимизда яшовчи 15 та эҳтиёжманд оила, 17 нафар ногирон, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бозор Бегимкулов, фронт орти меҳнат қаҳрилари Мингбой Жумақулов, Очил Хушмуродовлар ҳолидан тез-тез хабар олиб тураемиз, — дейди Момосулув опа. — Эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйлари ўтказиб берилаётди. Бундан ташқари, хотин-қизлар билан ишлаш намунали йўлга қўйилган. Ёш келин-куёвлар билан суҳбат ўтказилади. Қизларни эрта турмушга чиқаришнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари ўз самарасини бераётганидан хурсандимиз. Яраштириш комиссиясининг самарали фаолияти туфайли турли оилавий жанжалларнинг олди олинмоқда.

Хафтанинг ҳар сешанбаси «Ободонлаштириш кўни» деб эълон қилинган. Шу кун барча ҳовлиларда озодлик, қарашликка эътибор қаратилади. Маҳалла — катта куч. Ҳудуддаги кўчаларда ҳашар йўли билан текислаш, асфалт ётқириш ишлари олиб борилаётди.

Маҳалла профилактика инспектори билан биргаликда жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолини одам савдоси ва диний экстремистик оқимлар тузоғидан огоҳ этиш мақсадида мунтазам равишда суҳбатлар уюштирилади.

15 нафар хотин-қизнинг кредит олишига кўмаклашди. Касаначиликни ривожлантириш бўйича истиқболли режаларимиз бор. Ишонаманки, яқин орада маҳаллада ишсиз фуқаронинг ўзи қолмайди.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, касб-хунар коллежларини тугатаётган йигит-қизларда яратилаётган шартнослардан фойдаланиш, ўргатилган ҳунарини ҳаётга татбиқ этишга иштиёқ кучли. Этингда ёшларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича ўтган кўрик-танловда бунинг шохиди бўлдим.

Маҳаллаимизда спорт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ёш футболчи ва курашчиларимизнинг маҳаллалараро ўтадиган мусобақалардан совинини ўринлар билан қайтиши оддий ҳолга айланган.

2014 йилда Момосулув Бердикулова фидокорона меҳнатлари учун «Шўхрат» медали билан тақдирланди. Бу эса эл ишончини қозонган раиса опанинг фаолиятига берилган муносиб баҳодр.

Мадина ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Қарши давлат университети талабаси



Хусусий бизнес — янги иш ўринлари демакдир

Ў(1).

Таъкидлаш кераки, Фармонга асосан 2017 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Юридик шахслар тугатилганда, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича мурожаатлари асосида ўтказиладиган қисқа мuddатли текширувлар фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига асосан ўтказилади. Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган мuddатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланишдан озод этилади. Бундан фақат инсон соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатларгина мустасно этилади.

— Халқимиз азалдан тадбиркор, ишбилармон одамларни қадрлаб келган, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Азимжон Мирзахонов. — Буюк бобокалонимиз, дошиманж дукмдор Амир Темур бежиз: «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд қишдан яхшироқдир», дея таъкидлаган. Кун кеча имзоланган Фармон соҳа ривожига янги босқични бошлаб беради. Хусусан, мазкур ҳужжат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймайликни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлади. Маълумки, мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя, имтиёз ва кенг имкониятларга эга, турли бюрократик тўсиқлардан холи тадбиркор эса эмин-эркин фаолият олиб беради. Ўз корхонасини ривожлантириш, даромадини ошириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб қилиш устида бош қотиради. Бу ўз-ўзидан янги иш ўринларини ташкил қилиш, меҳнаткашларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш имконини оширади. Бозорларнинг тўқинлиги-ю, рақобат муҳитини таъминлайди. Арзончилик, аҳолининг умумий турмуш даражасининг орттишига хизмат қилади.

Шунингдек, Фармонда мамлакатимизнинг ҳорижий инвестициялар учун жозибадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Эндилликда ҳорижий инвестициялар иштирокидида янгитдан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига уларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилди. Бундан фақат ресурс ва божхона тўловлари мустасно этилди. Тадбиркорлар ва тижорат банклари ўртасидаги фаолият тартибга солинишига замонавий тамойиллар ва механизмларини жорий этиш зарурати белгилаб қўйилди. Давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сибсатига маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва йўл қўймайлик, уларнинг самарали фаолият юритишига тўқинлик қилувчи голврни тугатиш, шунингдек, миջозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш қайд этилди.

«Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон орқали мамлакатимиз Олий Мажлиси палаталарига тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга кўмаклашишга оид тавсиялар ҳам белгиланган.

— Фармонда Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Баҳромжон Обиджонов. — Ҳорижий тажрибалардан яхши маълумки, бундай институтлар қонун ҳужжатлари самарадорлигини таъминлашда катта рол ўйнайди. Вакил институтини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бундай субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сибсатини шакллантириш, амалга оширишда иштирок этиши, текширувлар жараёнида уларни кўллаб-қувватлаш, соҳага доир қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганини ўрганиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни соҳага таъсири самарадорлигини баҳолаш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шунингдек, маҳаллий давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш каби вазифаларни бажаради.

Улугбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» муҳбири

сиёсат тантанаси



беш минг сўм миқдоридagi иш ҳақи ва бошқа тўловларни ундириб беришда амалий кўмаклашилди.

Меҳнат шартномаси гай-риқонуний тарзда бекор қилинган бир неча ходимлар манфаатини кўзлаб иш берувчиларга тақдирнома киритилди ва улар ишга қайта тикланди.

Бундан ташқари, ходимларнинг йиллик таътил пуллари ва меҳнатга қобилиятсизлик даври учун бериладиган пуллар тўланиши кечиктирилгани, меҳнат қонунчилиги талабига зид равишда меҳнатга ҳақ тўлаш мuddатларининг ўтказиб юборилиши каби муаммоларни бартараф этиш бўйича изчил иш олиб борилди. Жумладан, бир қатор корхона ва ташкилотларда шундай ҳолатлар аниқланиб, касабга уюшма аъзоларига 40 миллион 928 минг сўм ундириб берилди.

Шунингдек, жорий йил давомида бошланғич касабга уюшма ташкилотларига чиқилиб, 77 марта ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Ҳуқуқий маданиятни амалга ошириш борасида 62 мартаба даража суҳбатлари, ўқув-семинарлар ўтказилди. Бирлашма кенгашига тегишли 343 та ҳужжат экспертизадан ўтказилди.

ташкilot раҳбарлари ва бош муҳандислари қатнашди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакилларнинг малакасини ошириш бўйича Намунавий ўқув дастури»га асосан корхона, ташкilot ва муассасаларда ўтган ўқувларда меҳнат муҳофазаси бўйича 996 нафар жамоатчи вакил ўқитилди.

Шунингдек, «Иш жойларида стрессни бартараф этиш — муносиб меҳнат омилларидан бири» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати яқунлари бўйича вилоят меҳнат бош



А.ЎРОЛОВ



Кўшаҳифани «Ishonch» муҳбирлари Тўлқин ШЕРНАЕВ ҳамда Акмал АБДИЕВ тайёрлади.

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши «Жиззах пластмасса» акционерлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Эркин Ботировга онаси

ТОШБУВИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Қизиқарли тақдимотлар, фойдали келишувлар

(1).

Халқаро сайёҳлик ярмаркаси қизиқарли тақдимотлар, фойдали мулоқотларга бой бўлди. Ярмарка иштирокчилари соҳадаги ютуқлар, янгиликлар билан танишди. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар, маъмурий ва кадрлар тайёрлаш бўйича яратилган тизим, экотуризмни ривожлантиришга оид дастурлар ҳусусида маълумот берилди.

— Ўзбекистонда сайёҳлик саноати кенг ривожланган, — деди Таиланд спорт ва туризм вазири Кобкарн Ваттанавранкул. — Тошкент, Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларингиз, халқингизнинг ноёб маданияти ва маънавий мероси юртингизга сайёҳларни жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу бебаҳо маданият дурдоналарини асраш ва чуқур ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар таҳсин-

га лойиқ. Маъмурий ва кадрлар тайёрлаш бўйича яратилган тизим, экотуризмни ривожлантиришга оид дастурлар ҳусусида маълумот берилди.

Миллий ва халқаро сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхона ва рестороанлар, музейлар, банк хизматлари, сугурта компаниялари ҳамда санаторий ва дам олиш масканлари вакиллари иштирок этган ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, экотуризм имкониятлари ва ноёб меъморий обидаларини акс этган экспонатлар, халқ хунармандлиги буюмлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

— Ўзбек хунармандлари ясаган буюмлар жозибаси, турфа рангдаги жиличи билан кўзни қувонтиради. Уларда қадим тарихингиз, халқингизнинг юксак интеллектуал ва ижодий салоҳияти ўз ифодасини топган, — дейди «Интур Мальдив» компанияси директори Али Фирок

(Мальдив ороллари). — Юртингизда ушбу бебаҳо маънавий меросни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказишга бўлган эътибор жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қилаётди. Биз ҳам туризмни ривожлантириш бўйича самарали келишувларга эришдик. Пойтахтингиздаги «Азнуэр трэйвл» фирмаси билан ҳамкорликка оид шартнома имзоладик. Келгусида Ўзбекистон ва Мальдив ороллари ўртасида туристлар алмашувини кенгайтириш мақсадида чартер авиарейсларини йўлга қўймоқчимиз.

Ярмарканинг «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат» миллий павилонига ҳам иш қизгин руҳда кечди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди. Тадбир қатнашчилари махсус экспозицияларда ўзбек миллий таомлари ва турли мева-сабзавотлардан татиб кўрди, миллий хунармандлик буюмларини харид қилди. Сопол буюмлар, ганч ўймакорлиги, қўғирчоқлар каби мах-

сулотларни тайёрлаш, каштадўзлик, зардўзлик бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Ўзбек миллий либослари намойиши ва савдоси уюштирилди. Миллий муслик меросимиз, худудларнинг фольклор санъатига оид тақдимотлар тадбир қатнашчилари, айниқса, хорижий меҳмонларга манзур бўлди.

Ярмарка доирасида ташкил этилган «Hosted Buyers» (Профессионал харидорлар) дастури истиқболли шериклар ва харидорлар ўртасидаги учрашувларни олдидан белгилаш, уларга муайян имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир доирасида «Экологик туризм — атроф-муҳитни муҳофазалаш ва барқарор ривожланиш омили: Ўзбекистон таъриби ва халқаро амалиёт», юртингизда ички туризмни ривожлантириш масалалари, аҳолига бу йўналишда хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари-



га оид халқаро илмий-амалий анжуманлар ҳам ташкил этилди. Энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стенд, тематик бўлим ва туристик имкониятлар, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермахсул ҳамкорлик каби қатор йўналишларда танловлар голиблари тақдирланди. **Баҳор ХИДИРОВА, Ўза мухбири**

Қаёққа қараманг, уяли телефонни қулоғига тутганча берилиб сўзлашаётган ёшларга кўзингиз тушади. Иш ёки бошқа муаммо юзасидан ҳам бирор киши билан бемалол гаплашолмайсиз. Сабаби, телефон жиринглаб, суҳбат чала қолади.

Бошим оғримасин десангиз

телефонда камроқ сўзлашинг



«Яқинда тиббий кўриқдан ўтиш учун поликлиникага боргандим, — дейди бир танишим. — Терапевт юрак уришимни текшираётганда ҳеч қутилмаганда чўчиб кетдим. Юрагим янада тез ура бошлади. Врач «соткасини чўнтагидан олиб ўчиргач, мендан узр сўради ва ишини давом эттирди. Тавба, хизмат вазирасини бажараётганда ҳам шахсий телефонни ёқиб қолдириш тўғримикин?»

Тўғри, уяли телефоннинг қулайлик жиҳатлари кўп, бироқ зарари ҳам анчагина. Шифокорлар чўнтак телефонда тез-тез гаплашиш саломатликка жиддий хавф солишини аниқлашди.

Қулоқнинг оғриши, бош айланиши ва кўнгил айниши «телефон касаллиги» аломатлари саналади. Бундан ташқари, мобил телефондан тарқаладиган нурлининг саратон касаллигини келтириб чиқариши, асаб тизими ва миёга таъсир этиб хотира сусайишига олиб келиши мумкин.

Мобил телефон кишининг феъл-атворида таъсир кўрсатаркан. Мутахассис олимларнинг узоқ кузатуви натижасига кўра, уяли алоқа воситасидан кўп фойдаланган кишиларда катъиятсизлик, ҳаракатда сусткашлик кўзга ташланган. Бунга электромагнит тўлқинлари сабаб бўлар экан.

Гулчехра КАРИМОВА

Саломатлик сабоқлари

ГРИППДАН ҳам АСОРАТИ ёмон

Грипп юқумли касаллик бўлиб, фасллар алмашаётганда кўп учрайди. Юқори нафас йўллари яллиғланиши, ҳароратнинг кўтарилиши, дармонсизлик, бош айланиши, кўнгил айниши, баъзан қушиш билан кечадиган ўткир юқумли касалликка ҳар йили ер юзи аҳолисининг 25 фоизи чалинади. Ҳар 15-20 йилда гриппнинг янги турлари шаклланиб, натижада аҳолининг катта қисми оғир хасталикни бошдан кечиради.

Хасталикни кўзгатувчилар А, В ва С типидagi вируслар бўлиб, А тури жуда хавфли хисобланади ва оғир асоратларни келтириб чиқаради. А типидagi грипп вирусини одам, парранда ва баъзи сут эмизувчи ҳайвонларда касаллик кўзгатади.

Грипп вируслари ўта хавфли бўлишига қарамай, ташқи муҳитга чидамсиздир. Соғуқда тирик сақланиб қолади, қиздирилганда, қайнатилганда, қуёш нури таъсирида тез нобуд бўлади. Дезинфекцияловчи воситаларга жуда таъсирчан.

Грипп вирусини тарқатувчи манба шу

хасталик билан касалланган бемордир. Вирус одамларга кўрпа-тўшак, сочик, идиш-товуқ, шунингдек, болаларга ўйинчоқлардан ҳам ўтади. Вирус юқори нафас йўлларига тушиб, шиллик парданинг ташқи қавати ҳужайраларига кириб олади. Уларни емиради. Пўст ташлаган ҳужайралар кўчиб тушади, нафас олганда, сўзлаганда, йўталганда, аксирганда вирус сўлак, бурун шилмишиги, балғам билан ҳавога тушиб, атрофдагиларга юқади.

Шу боис гриппнинг энгил ва ўзгарган формаси билан оғриган беморлар инфекция тарқатиш жиҳатидан кўпроқ хавфли. Чунки ётиб даволанмай юравериш оқибатида хасталик тез тарқалади. Шу боис 4-5 кун уйда муолажа олиш керак.

Касалликнинг яширин даври бир-икки кун (баъзан бир неча соат ичида) давом этади. Бу даврда касаллик аломатлари деярли сезилмайди. Хасталик баъзан тўсатдан бошланиб, аъзои бадан увишиб, ҳарорат (38-40) кўтарилса бошлайди. Бемор соғқатади, қалтирайди, бош ва кўл-оёқларда оғриқ пайдо бўлади, кўп терлайди, умумий ҳолиси кўтарилади. Томоқ қичишади, куруқ йўтал тутайди, ютинганда томоқ оғрийд. Баъзи ҳолларда кўз ёшланади, бурун оқади.

Иситма 2-4 кун давом этиб, меъёрга туша-да, лоҳаслик, дармонсизлик узоқ вақт сақланиб қолади.

Касаллик энгил ва ўзгарган формада ҳам ўтиши мумкин. Бунда беморнинг аҳоли би-

роз ёмонлашади. Аммо нафас йўллари вирусдан кўпроқ зарарланади. Урин-кўрпа қилиб ётмагани, врачга мурожаат қилмагани учун ўпка, бурун бўшлиқлари, ўрта қулоқ (отит) яллиғланиши, юрак, миёнининг зарарланиши каби асоратлар қолиши мумкин.

Киши организмга тушган вируслар заҳарли модда ажратиб, ўзи қисман нобуд бўлса-да, таъсирини йўқотмайди. Грипп билан ёшдан қатъи назар ҳар бир киши касалланади.

Таъкидлаганимиздек, грипп ўта юқумли ва тез тарқаладиган касаллик. Шунинг учун оилада бирор киши йўталиб, буридан сув келиб, иситмаласа, унга дарҳол хона ёки бурчак ҳозирлаб, зудлик билан шифокор таъсирига кўра даволашга киришиш керак. Гриппни оила аъзоларига юқтирмалик учун ниқоб энг яқин ёрдамчи хисобланади. Лекин кўпчилик нимагадир бунга риоя қилмайди, натижада бутун оила жабр чекади. Мисол учун, она гриппга чалинган бўлса-да ё болаларига қарайди, уларга овқат тайёрлайди, кийинтиради. Икки кун ўтмасдан болалари ҳам бирин-кетин касалланади.

Бундай ҳолатда она, биринчи навбатда, ниқоб тақиши, ҳар 3 соатда уни алмаштириши керак. Қолаверса, шахсий гигиенага қатъи риоя этиши, грипп тарқалган пайтларда касалликнинг олдини олиш чораларини кўриши шарт. Касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал, дея бекорга айтишмайди.

Гриппнинг олдини олиш учун, аввало, соғлом турмуш тарзига эътибор қаратиш, уйни тез-тез шамоллатиш, полларни тозалаш керак, болаларни тоза ҳавода сайр қилдириб чиқариш зарур. Шунингдек, ҳар кун бир-икки марта хоналарга исирик тутатиш, витаминга бой таомлар пишириш, дастурхонда мева-сабзавотлар билан бирга турли қўқатлар бўлишига эътибор қаратиш керак. Кўнiga бир марта лимон шарбатига асал қўшиб болаларга ичириш ҳам уларнинг саломатлигига наф келтириб, микроблар юқишига йўл қўймайди.

Гриппга қарши шифокор берган муолажалар билан бирга халқ табobati усуллари билан ҳам фойдаланса бўлади. Аммо, ёдда тутиш керакки, касалликка чалинганда, албатта, шифокорга мурожаат қилиш шарт.

Васила ЖАМОЛОВА,
Тошкент шаҳридаги 55-оилавий
поликлиника шифокори



«101» оғоҳлантиради!

Хонадонларда ва қайта таъмирланаётган ҳамда янги қурилаган тураржой биноларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Ёнғин содир бўлмаслиги учун ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирманг, уларнинг иситиш мосламаларидан фойдаланишига асло йўл қўйманг. Газ ва электр асбобларини ишлаш қоидаларига қатъий риоя қилинг. Очқ оловдан эҳтиётлик билан фойдаланинг, кўп ёнғинлар оловдан эҳтиётсизлик натижасида содир бўлишини унутманг. Уйдан чиқишдан олдин газ ва электр ускуналари (плита, даямол, телевизор ва бошқалар) ўчирилганлигини текшириб чиқинг. Ностандарт ва кўлбола сақлағичлар (предохранители)дан ҳамда вақтинча ўтказилган электр симларидан фойдаланманг. Ишлаб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг, ёнғин чиққанда «101» рақамига қўнғирқ қилишни ёдда тутинг!

Н.АБДУЛЛАЕВА,
Мирзо Улуғбек тумани
ИИБ ЁХБ кичик инспектори



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshov

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xotlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xotlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satuvda erkin narxda.

ishonchdand olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
U.Ilbodinov

Navbatchi:
J.Ergashev

Musahhili:
S.Shodiyeva

Sahifalovchi:
H.Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti: 22:30
Topshirildi: 23:00

1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonada manzilli:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «ishonchning kompyuter markazida» terildi va sahifalandi.

Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 barmoq taboq. Buyurtma T — 1015. 13619 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xarob rakmani:
2021 0000 0004 3052 700 1,
ATN «Иштонча банк» Ўшбоёв филиали,
Банк коди: 00959, СТРП: 201133899, ОКОНХ: 67100